

I. САНОАТ




Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган sanoat корхоналари томонидан 9748,0 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва sanoat ишлаб чиқариш индекси 97,6

фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида 2890,3 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январь-сентябрга нисбатан 100,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1754,2 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 1136,1 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2019 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 100,7 фоиз ва 97,0 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Январь-сентябрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича sanoat ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)



Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати

Қашқадарё вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 6739,4 млрд. сўмни ўсиш суръати 102,4 %ни ташкил этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ичимлик ишлаб чиқариш 142,8 %ни, кийим кечак ишлаб чиқариш 101,8 %ни, мебел ишлаб чиқариш эса 81,5 %ни ташкил этганлигини кузатиш мумкин.

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш



Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 1078,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати индекси 100,1 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати индекси табиий газ 2,0 марта ошди, нефть 134,8 %ни ва кондесат қазиб олиш ҳажми 124,3 %ни ташкил этди ва бошқа тоғ-кон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръати 79,4 %га камайиш кузатиш мумкин.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1871,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг 19,2 %ни) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари маҳсулотлари ўсиш суръати индекси ўтган йилнинг тегишли даврига

нисбатан 110,0 % га кўпайган.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 58,6 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,6 %ни) ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2020 йил январь-сентябрь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 42,8 %ни ташкил этган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлабчиқариш
ҳажми**

(2020 йил январь-сентябрь ойларида)


	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати индекси, фоиз ҳисобида</i>
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми	9748,0	97,6
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	1078,3	100,1
<i>улардан:</i>		
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	41,3	134,8
Қайта ишлаш саноати	6739,4	102,4
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1942,8	100,3
Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш	78,6	142,8
Тўқимачилик буюмлари	1696,2	99,2
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2169,6	133,2
Мебел ишлаб чиқариш	57,4	81,5
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	270,5	111,6
Металлургия саноати	29,0	82,6
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1871,7	110,0
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	58,6	42,8
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	2890,3	100,0
<i>шу жумладан</i>		
Озиқ-овқат товарлари	1754,2	100,7
Ноозиқ-овқат товарлари	1136,1	97,0



Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қилади. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини кўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 9748,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97,6 %ни ташкил этди, шунинг билан бирга давлат секторида 4552,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб умумий ҳажмга нисбатан 46,7 %ни ташкил этсада, нодавлат секторида 5195,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 53,3 %ни ташкил этди.

Давлат ва нодавлат секторларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, %да






Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 9748,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки камайиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97,6 %ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш маҳсулотлари фаолияти ўсиш суръати 100,1 %ни, қайта ишлаш саноати 102,4 %ни, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво 110,0 %ни, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш бўйича хизматлар 42,8 %ни ташкил этди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш ҳажми
(йирик корхоналар бўйича)**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2020 йил январь- сентябрь</i>	<i>2019 йил январь- сентябрга нисбатан %</i>
--	--------------------------	--	--

Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш

Табиий газ	<i>млн. м³</i>	1855,2	2,0 м.
Нефть	<i>минг тн.</i>	21,9	134,8
Суюлтирилган газ	<i>минг тн.</i>	110,3	125,7
Конденсат	<i>минг тн.</i>	214,8	124,3

Ишлаб чиқарадиган саноат


Ун	<i>тн.</i>	114856,9	111,6
Нон маҳсулотлари	<i>тн.</i>	451,8	32,8
Омухта ем	<i>тн.</i>	73423,0	104,0
Тозаланган ўсимлик мойи	<i>тн.</i>	6920,0	76,4
Макарон маҳсулотлари	<i>тн.</i>	-	-
Ароқ ва ликёр маҳсулотлари	<i>минг л.</i>	4478,8	3,2 м.
Вино маҳсулотлари	<i>минг л.</i>	700,3	110,8
Калава ип	<i>тн.</i>	20153,8	93,5
Олтингугурт	<i>минг тн.</i>	0,8	103,6
Линт	<i>тн.</i>	2091,0	102,9

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2020 йил январь- сентябрь</i>	<i>2019 йил январь- сентябрга нисбатан %</i>
Пахта толаси	<i>тн.</i>	33754,8	126,7
Пахта чигити	<i>тн.</i>	47435,6	9,9
Шрот ва шелуха	<i>тн.</i>	30798,5	61,2
Хўжалик совуни	<i>тн.</i>	103	39,2
Калий ўғити	<i>минг тн.</i>	148,8	101,2
Термопласт қувурлари	<i>тн.</i>	3486,1	99,4
Полиэтилен	<i>тн.</i>	101900,0	102,5
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	<i>минг Гкал.</i>	2352,1	96,8

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш

Қашқадарё вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Нишон тумани (Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 21,1 %), Ғузор тумани (20,7 %), Қарши шаҳар (19,0 %), Косон тумани (4,8 %), Муборак тумани (4,6 %) ҳиссасига тўғри келади.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудларнинг жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да




Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, sanoat мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Қашқадарё вилояти ва туманларида ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулоти ҳажмини туманлараро ҳамда туманларни шаҳар кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, sanoat маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш, ҳудудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Қашқадарё вилоятида sanoat маҳсулоти ишлаб чиқарилиши 9748,0 млрд. сўмни ташкил этиб, вилоятда ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 2954,7 минг сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати индекси 95,8 % га етказилганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек вилоятда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши аҳоли жон бошига 876,1 минг сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 98,1 % га етди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан (100,0 % га) ошишига олиб келди, жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 29,6 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, % да



Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1686,5 млрд. сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 58,4 %ни, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1136,1 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 39,3 %ни, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 67,7 млрд. сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 2,3 %ни ташкил этди.

Ҳудудларнинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда истеъмол товарларининг улуши, % да




Туманларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми энг юқори улушга эга бўлган Шаҳрисабз шаҳар (92,3 %), Яккабоғ тумани (79,7 %) ташкил этади. Шунинг

билан бирга энг кам улушга эга бўлган Нишон (3,5 %), Ғузур (3,7 %) туманларига тўғри келади.

Худудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари индекси, % да


(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)



Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришда энг юқори ўсиш суръатлари Қамаши тумани (113,2 %), Қасби тумани (112,1 %) кузатилмоқда.

Худудларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари, % да

(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)




Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш суръатлари Яккабоғ тумани (117,9 %), Қасби тумани (102,2 %), Шаҳрисабз шаҳар (101,3 %) Шаҳрисабз тумани (100,5 %), Миришкор тумани (100,2 %) кузатилган.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси


Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш кузатилди ва натижада улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,2 % ошиши таъминланди. Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 30,7 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, %да




Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юкори улуши Қамаши тумани жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши (100,0 %), Китоб (95,5 %) ва Чирокчи (86,2 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Дехқонобод (12,0 %), Ғузор (4,5 %), Нишон (3,7 %) туманларида кузатилди.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми, (минг сўмда)



Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига тўғри келиши энг юқори кўрсаткич Нишон туманига (13393,6 минг сўм), Ғузур туманига (9852,8 минг сўм), Қарши шаҳри (6708,8 минг сўм) га тўғри келди. Энг паст кўрсаткич эса Чироқчи тумани (484,1 минг сўм), Китоб тумани (872,7 минг сўм) га тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг ҳажми, (минг сўмда)



Ҳудудлар кесимида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига тўғри келиши энг юқори кўрсаткич Қарши шаҳри (3290,6 минг сўм), Шаҳрисабз шаҳри (1292,2 минг сўм), Шаҳрисабз тумани (1223 минг сўм), Яқкабоғ тумани (986,0 минг


сўм) га тўғри келади. Энг паст кўрсаткич эса Дехқонобод тумани (315,7 минг сўм), Чироқчи тумани (391,0 минг сўм) га тўғри келади.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,2 фоизга ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши эса 30,7 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Қамаши туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 фоиз), Китоб (95,5 фоиз), Чироқчи (86,2 фоиз), Шаҳрисабз шаҳри (82,6 фоиз), ҳамда Яккабоғ (73,0 фоиз) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кам улуш Нишон (3,7 фоиз), Ғузур (4,5 фоиз), Дехқонобод (12,0 фоиз) ҳамда Муборак (14,7 фоиз) туманларида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда
(2020 йил январь-сентябрь ойларида)



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш

Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 43 та лойиҳа бўйича 59,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.


Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари
(январь-сентябрь ойларида)

	2019 йил	2020 йил
Лойиҳалар сони, бирлик	19	43
Корхоналар сони, бирлик	11	34
Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	14,1	59,2
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, млн. АҚШ долл.	-	-
Яратилган янги иш ўринлари, бирлик	42	87

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 1477,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,4 фоизни ташкил этди. Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 9,1 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 15,2 фоизни ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,1 бандга кўпайган.


Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг sanoatning умумий ҳажмидаги улуши



Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда вилоятда 3655 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 720 таси Қарши шаҳри ва 428 таси Китоб, 325 таси Яккабоғ, 310 таси Шаҳрисабз шаҳар, 294 таси Чирокчи, 277 таси Қарши, 208 таси Қамаш, 199 таси Косон, 202 таси Шаҳрисабз, 185 таси Ғузур, 127 таси Нишон, 124 таси Касби ва 93 таси Миришкор туманларига тўғри келади.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик (2020 йил январь-сентябрь ойларида)



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятда 462 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан 16,5 фоизи Қарши шаҳрига, 10,2 фоизи Чирокчи, 10,2 фоизи Китоб, 8,2 фоизи Яккабоғ, 7,3 фоизи Шаҳрисабз шаҳар, 6,3 фоизи Қарши, 6,0 фоизи Шаҳрисабз, 5,6 фоизи Касби, 5,2 фоизи Ғузур, 5,0 фоизи Қамаш, 4,5 фоизи Косон, 5,0 фоизи Муборак, 3,7 фоизи Миришкор, 3,7 фоизи Нишон ҳамда 2,6 фоизи Дехқонобод туманларига тўғри келади.